

Муқанна ким бўлган? (иккинчи мақола)



19:00 / 13.12.2020 8880

Мусулмонлар қайтиб кетгач, улар аҳдларидан қайтиб, яна йўлтўсарлик билан машғул бўлишди. Улар мусулмонларни ўлдиришар ва экинларини пайхон қилишар эди. Мусулмонларнинг иши қийинлашди. Халифа Маҳдий вазири Жаброил ибн Яҳёни Муқаннага қарши жанг қилиш учун юборди. У Бухорога келиб, Муқаннага қарши уруш бошлаш учун Дарвозаи Самарқандда лашкаргоҳ қурди. Ҳусайн ибн Маоз унинг олдига бориб: «Сен оқ кийимлиларга қарши урушда менга ёрдам бер, бу ишдан бўшагач, биз сен билан бирга Муқаннанинг ўзига қарши уруш қиламиз», деди.

Жаброил бу таклифни қабул этди-да, лашкарини оёққа турғизиб, Наршах қишлоғига борди. Қишлоқ атрофига ҳандақ қазишга буюриб, ҳандақ ичини лашкаргоҳ қилди; оқ кийимлилар кечаси ҳужум қилиб қолмасинлар деб лашкарга ҳушёр бўлиб туришни тайинлади. Худди у айтгандек бўлиб

чиқди: оқ кийимлилар дастлабки кечадаёқ қишлоқдан чиқиб ҳужум қилишди ва катта талафот етказишди. Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз Жаброилга кўп меҳрибонлик кўрсатиб, ундан уруш тамом бўлгунича Кешга кетмай, Бухорода туришни сўради.

Жаброил урушни бошлаб юборди. Тўрт ой мобайнида эртаю кеч узлуксиз жанг бўлди, оқ кийимлилар ғалаба қозона бошлашди. Мусулмонлар чорасиз қолиб, тадбир излашга тушишди. Молик ибн Форим: «Мен бир тадбир кўрсатаман», деди-да, лашкаргоҳдан то ҳисор деворигача ариқ кавлашга буюрди ва у ерга қуролли кишиларни юбориб қанча жой кавласалар уни чўп, қамиш ва тупроқ билан мустаҳкамлаб беркитиб боришга буюрди. Шу тарзда ҳисор девори тагигача қазиб борилди ва девор остини эллик газ миқдорида кавлаб, устунлар қўйиб маҳкамланди. Эллик газ жой кавланиб бўлгач, уни ўтин билан тўлғазиб, нефть сепишди-да, устунлар ёниб, қўрғон девори йиқилиши учун ўт қўйиб юборишди. Аммо олов ёнмади, чунки олов ёниши учун унга шамол тегиши керак, ҳисор ичида эса шамол ўтадиган йўл йўқ эди. Ҳисорнинг таги кавланган минорасига палахмонларни тўғрилаб қўйиб тош отган эдилар, тешик очилиб шамол чиқишга йўл топди, олов олиб устунлар ёнди ва ҳисор деворининг эллик газча жойи йиқилди.

Мусулмонлар қиличбозликка киришиб, кўп кишини ўлдиришди. Қолганлар омонлик тилаб, илгариги аҳдномага мувофиқ мусулмонларни ранжитмаслик, қишлоқларига қайтиб кетиш, улуғларини халифа олдига юборилишига рози бўлиш ва ўзлари билан бирга қурол-яроғ олиб юрмаслик шартлари билан сулҳ тузишди ва қишлоқдан ташқари чиқиб ҳандақдан ўтишди.

Аммо уларнинг кўпи қуролларини яшириб қўйган эди. Жаброил оқ кийимлиларнинг йўлбошчиси бўлган Ҳақимни ўғли Аббосга топшириб: «Буни олиб бориб саропардага кирит ва яширин равишда ўлдир», деди. Унинг амрига мувофиқ иш қилиб, Ҳақимни саропардага олиб бордилар. Оқ кийимлилар узоқдан кўриб туришган эди. Жаброил саропардага борган эди, оқ кийимлилар Ҳақимнинг дўсти бўлган Ҳашвийни юбориб, у орқали Жаброилга: «Биз Ҳақимни олмасдан кетмаймиз», дейишди. Ҳашвий янги этик кийган эди. У Жаброилга шу сўзларни айтиб турган эдики, Жаброилнинг ўғли Аббос келиб: «Ҳақимни ўлдирдим», деди. Жаброилнинг буйруғи билан дарҳол Ҳашвийни отдан тушириб қатл этишди. Оқ кийимлилар қичқиришганча қуролларини қўлга олишди ва жанг бошланиб кетди. Жаброил бутун лашкарини отга минишга буюрди. Илгаригидан

шиддатлироқ уруш бўлди. Қаттиқ урушишди ва охири оқ кийимлилар яна энгилиб, улардан кўп киши ўлдирилди, тирик қолганлари қочди.

Наршах қишлоғининг ҳукмдори бир хотин киши эди, эрининг исми Шараф бўлиб, у Абу Муслимнинг лашкарбошиси бўлган ва марҳум Абу Муслим уни ўлдирган эди. Бу хотинни Жаброилнинг олдига олиб келишди. У билан амакисининг бир кўр ўғли бирга келди, у бағоят палид ва бадкирдор кимса эди. Жаброил хотинга: «Абу Муслимнинг гуноҳидан кеч!» деди. Хотин: «Абу Муслим деб мусулмонларнинг отасига айтилади, менинг эримни ўлдиргандан кейин у мусулмонларнинг отаси бўладими?!» деди. Жаброилнинг буйруғи билан хотин белидан икки бўлиб ташланди ва амакисининг ўғли ҳам ўлдирилди.

Ҳакимнинг лашкарбошиларидан бири Гирдак Муқаннанинг олдига кетди. Яна бир лашкарбоши Боғий эса урушда ўлдирилди. Жаброил Сўғд оқ кийимлиларининг дилига қўрқинч солиш учун ўлдирилган бошлиқларининг калласини Сўғдга олиб борди. Сўғд аҳолисига Муқаннанинг лашкар бошлиқларидан Сўғдиён исмли бир киши амир бўлган эди, Сўғд аҳолиси у билан иттифоқчи эди. Жаброил Сўғд аҳолиси билан кўп урушди ва охири Бухоро аҳолисидан бир киши Сўғдиённи ўлдирди ва бу қавм тарқалиб кетди. Жаброил у ердан Самарқандга борди ва то Маоз ибн Муслим Хуросонга амир бўлгунига қадар турклар ва оқ кийимлилар билан уруш олиб борди.

Сўғдда оқ кийимлилар кўп эди, турк лашкари ҳам кўп келган эди. Ҳирот амири юртидан ўн мингта қўй олиб келган эди, уларни ўзи билан бирга олиб юрди. Маоз ибн Муслим унга: «Душманимиз бўлган турклар бу ерда бизга яқин жойда туришибди, улар қўйни яхши кўришади, бу қўйларни Бухорода қолдир ёки менга сот, мен уларни лашкарга тақсимлаб берайин!» деган эди, у рози бўлмади. Турк аскарларидан бир тўдаси чиқиб, ҳужум қилди-да, ҳамма қўйларни Арбинжон билан Зармон ўртасидаги бир манзилга олиб кетди. Турклар кетидан лашкар борган эди, уларнинг ҳам баъзиларини ўлдиришди, баъзилари эса мағлубиятга учраб қайтиб келишди.

Маоз ибн Муслим Сўғд ва Самарқандга бориб, турклар ҳамда оқ кийимлилар билан икки йилгача уруш қилди, унда гоҳ у ва гоҳ бу томон ғалаба қозонар эди. Икки йилдан кейин у Хуросон амирлигидан истеъфо берди ва Мусайяб ибн Зухайр ал-Забий Марвда бир юз олтмиш учинчи йил жумодул-аввал ойида (милодий 780 йилнинг январь-феврари) Хуросон амирлигига тайин қилинди ва ўша йили ражаб ойида Бухорога келди.

Бухоро амири Жунайд ибн Холид уни Хуросон амири Хоразмга юборди.

Бу пайтда Муқанна ҳисорда Сўғд, Кеш ва Нахшаб деҳқонларининг қизларидан иборат юз нафар хотин билан бирга эди. Муқаннанинг шундай одати бор эди: қаерда хушрўй хотин бўлса, бундан хабар топиб, уни дарров олдириб келар ва ўзи билан бирга сақлар эди. Ҳисорда у билан бирга шу хотинлар ва ахталанган хос қулдан бошқа ҳеч ким бўлмас эди. Ҳирот амири бўлмиш Саъид катта лашкар билан Муқанна ҳисорининг дарвозасига келиб қўнди, уйлар ва ҳаммомлар қуриб, ёзин-қишин шу ерда турди. Ҳисор ичида чашма, дарахтлар ва экинзорлар бор эди. Муқаннанинг хос кишилари ва сипоҳсолорлар кучли лашкар билан ҳисор ичида эди. Ҳисор ичкарасида, тоғ тепасида яна бошқа бир ҳисор бўлиб, у ҳисорга киришга ҳеч кимга йўл йўқ эди. Муқанна ўша хотинлар билан шу ҳисорда турар эди. У одатига кўра ҳар куни ўша хотинлар билан бирга овқатланар ва улар билан ўтириб шаробхўрлик қиларди. Шу тахлитда у ўн йил ҳаёт кечирди. Охири Ҳирот амири уни мушкул аҳволга солиб қўйди, Муқанна лашкарлари тарқалиб кетди, ҳисорда бўлган сипоҳсолор эса ҳисор дарвозасини очди ва таслим бўлиб ташқарига чиқди ҳамда Ислом динини қабул этди. Мусулмонлар ҳисорни олишди. Муқанна ички ҳисорни сақлаб қололмаслигини тушунди.

Кеш деҳқонларидан Абу Али Муҳаммад ибн Ҳорун бундай деган: «Менинг бувим Муқаннанинг ҳисорда сақлаб турган хотинларидан бўлган экан. Унинг ҳикоя қилишича: «Бир куни Муқанна хотинларни ўз одати бўйича овқат ейишга ва шароб ичишга ўтирғизишди, шароб ичига заҳар солди-да, ҳар бир хотин учун биттадан хос қадаҳ тутқазиб: «Мен қадахимдаги шаробни ичганим-да сизлар ҳам қадахларингизни бутунлай бўшатишингиз лозим», деди. Ҳамма хотинлар ичишди, мен эса ичмай шаробни кўйлагим ёқасига тўқдим, Муқанна буни пайқамади. Ҳамма хотинлар хушсиз йиқилиб ўлишди, мен ҳам ўзимни уларнинг орасига ташлаб, ўлганга солиб ётдим. Муқанна менинг ҳолатимдан беҳабар эди. Кейин Муқанна ўрнидан туриб ҳамма хотинларнинг ўлиб ётганини кўрди-да, қулининг олдига борди ва қилич билан унинг калласини узди. Муқаннанинг фармони билан уч кундан бери тандир қизитаётган эдилар. Муқанна ўша тандир ёнига бориб кийимини ечди ва ўзини тандирга отди. Тандирдан бир тутун чиқди. Мен тандир олдига бориб, унинг танасидан ҳеч бир асар кўрмадим. Ҳисорда бирон тирик киши йўқ эди».

Унинг ўзини ўзи куйдиришига сабаб шу эдики, у ҳамиша: «Қачон бандаларим менга бўйсунимасам, мен осмонга чиқиб, у ердан

фаришталарни олиб келаман ва уларни бўйсундираман», дер эди.
«Халқнинг Муқанна фаришталарни олиб келиб, бизга осмондан ёрдам бериш учун осмонга чиқиб кетди; унинг дини дунёда абадий қолади» дейиши учун Муқанна ўзини ўзи куйдирди. Кейин бувим хотин ҳисор дарвозасини очибди ва Саъид Ҳараший кириб, у ердаги хазинани олди».

Атоқли ўзбек олими Абу Райҳон Берунийнинг араб тилида ёзган биринчи йирик «Ал-Осор ал-боқия ал-қурун ал-холия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асари Европада «Хронология», ўзбек илмий доираларида «Осорул-боқия» номи билан машҳур. «Осорул-боқия»нинг «Пайғамбарлик даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари (лаънатумуллоҳ)нинг тарихлари устида сўз» бобида Исломдан олдинги замонлар ва Ислом даврида пайғамбарлик ёки худолик даъво қилган кишилар ҳақида маълумот берилган. Қуйида ана шу асарнинг Муқаннага бағишланган қисми билан таништириб ўтамиз: «...Ундан кейин Муқанна номи билан машҳур бўлган Ҳошим ибн Ҳаким Марвад Ковакимардон деган қишлоқда дунёга келди. У бир кўзли бўлганидан юзига кўк шойидан ниқоб тутган эди. Муқанна ўзининг худо эканини даъво қилди ва жасадга кирганини, чунки жасадга кирмасдан олдин биров унга қарай олмаганини айтди. У Амударё орқали Кеш ва Насаф томонларига ўтди. Хоқонга хат ёзиб, ундан ёрдам сўради. Оқ кийимлилар ва турклар унинг атрофига йиғилишди, Муқанна уларга (бошқаларнинг) моли ва хотинларини ҳалол қилди, қаршилиқ кўрсатганларни ўлдирди ва Маздакнинг барча (йўл-йўриғини) уларга қонун қилиб берди, Маҳдий қўшинини синдирди ва ўн тўрт йил ҳукмронлик қилди. Ниҳоят, у ҳижрий бир юз олтмиш тўққизинчи йили қамал қилинди ва ўлдирилди. Муқанна ўраб олингач, жасади йўқ бўлиб кетиши ва тобеълари унинг (юқоридаги) гапига ишонишлари учун ўзини оловга ташлаган эди. Унинг «куяману йўқ бўлиб кетаман» (деган) мўлжали муяссар бўлмади, балки (унинг жасади) танурдан топилди. Унинг калласи олиниб, ўша кунларда Ҳалабда бўлган мўминлар амири Маҳдийга юборилди. Муқаннанинг Мовароуннаҳрдаги тобеълари ташида Ислом динида бўлсалар ҳам, аммо яширин равишда унинг динига амал қилишади. У ҳақидаги хабарларни форсчадан арабчага таржима қилдим ва уларни «Оқ кийимлилар ва қарматийлар ҳақида хабарлар» (номли) китобимда тўла баён этдим» (Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Тошкент, «Фан», 1968).

(Тамом)

«Ҳилол» журналининг 12 (21) сонидан